

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24- августдаги ПК-
4426- сонли қарорига асосан «ГАЛЛА - АЛТЕГ» акциядорлик
жамиятининг 2025 йил 3-чорак учун Давлат харидлари бўйича ташки
аудит ҳисоботи.**

Тошкент шаҳри.

25 - Апрель 2026 йил

1. КИРИШ ҚИСМ.

Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот:

Аудиторлик ташкилоти номи:	« MXXS BUSSINES GARANT A UDIT» МЧЖ
Адрес:	100059 Тошкент ш, Янги- Сергели кўчаси Сергели -8 10 уй
Телефон:	(+99897) 719 00 57
Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида маълумот:	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Гувоҳнома №1157897 сана 30.06.2022 йил
Фаолият суғуртаси:	Аудиторлик ташкилотларининг профессионал фаолияти суғурта полиси № № AF-13-4-0011 берилган вақти 08.02.2024 йил «EUROASIA INSURANCE» АЖ КК
Банк реквизитлари:	Х/р: № 20208000805551606001 АИТБ «Ипак Йули банки» Янгийул филиали МФО: 01081 СТИР: 309 691 740, ХХТУТ: (ОКЭД) 69202.
Жамият раҳбари:	УЗАКОВ АХМАТ УЗАКОВИЧ Аудитор малака сертификати 05492 -сонли 09.06.2017 йилда берилган ва 2022 йилда унинг амал қилиш муддати 2032 йилгача ўзайтирилган.
Аудитор	УЗАКОВ А.У. 05492 – сонли аудитор малака сертификати 09.06.2017 йилда берилган ва 2022 йилда унинг амал қилиш муддати 2032 йилгача ўзайтирилган
Аудиторлик текширувига асос:	Шартнома № 34/А 10.06. 2025 йил
Шартнома мазмуни:	2025 йил 1 январдан 31 - декабрь ҳолати бўйича Давлат харидлари бўйича аудиторлик текшируви ўтказилиб, хулоса тақдим этиш.
Ҳисобот тақдим қилиш муддати:	2026 йил 25 – Апрель

1.1 ЖАМИЯТ РЕКВИЗИТЛАРИ.

**Юридик
манзили:**

Тошкент вилояти Юкори Чирчик тумани Бардонкул
курғони ХВАН МФЙ

**Жамият молиявий ва ситатистик ҳисоботлари қуйидаги реквизитлар
асосийда расмийлаштирилади.**

ХХТУТ (ОКОНХ) – 19211; коди асосида фаолият кўрсатади. СТИР (ИНН)-
200 547 594, КТУТ (ОКПО)- 00959731, ОКЭД -10610

Корхона банк счетлари:

ОАТБ “АГРОБАНК” Тошкент вилояти ҳудудий филиалида қуйидаги ҳисоб
рақамдан фойдаланган; Банк коди: 00475

-аосий ҳисоб рақами 2021 0000 9002 3246 1001

:

2. АНАЛИТИК КИСМ.

1.1. Импорт харидлари, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланиш.

Жамиятнинг йиллик молиявий ҳисоботлари ташки аудит текширувидан
утказиш жараенида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24-
августдаги ПК-4426- сонли қарорига асосан, ишлаб чиқаришни
махаллийлаштириш, саноат кооперациясини ривожлантириш чора-
тадбирларининг натижадорлигини ва жамиятда мавжуд импорт харидлари,
шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ҳолатлари
таҳлил этилди.

Корхонанинг йиллик молиявий ҳисоботлари ва жорий ҳисоботлар
тулик аудит таҳлилдан утказилди. Аудиторлик текшируви давомида
корхонанинг банк кучирмалари, реализация ҳужжатлари, дебитор ва
кредитор қарздорликлар рўйхати, айланма қолдиқ ведомостлари, валюта
маблаглари счёти (5200) ва шунга таълуқли бошқа ҳужжатлар
текширувдан утказилди. Текширув давомида шу нарса аниқландики, “ГАЛЛА-
АЛТЕГ” АЖ нинг 2025 йил ишлаб чиқариш фаолиятида чет эл валюта
операциялари мавжуд эмас. Ушбу текширув давомида аниқландики,
жамият бошқа давлатларга шартнома асосида маҳсулотлар экспортини
амалга оширмаган ва бошқа давлатларга валюта ҳисобида маблаг ҳам
чиқарилмаган.

1.2. Кооперация доирасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харидларни амалга оширишнинг аудит таҳлили.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24- августдаги ПК-4426- сонли қарорига асосан, “саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнига илмий изланиш натижаларини ва замонавий инновацион технологияларни жорий қилиш орқали маҳаллий хом-ашё ҳамда саноат кооперацияси негизда таёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларни жадаллаштириш энг муҳим йўналишлардан бири этиб белгиланган”.

Президент қарорининг ушбу банди “ Галла - Алтег “ АЖ бўйича 2025 йил 31- декабрь ҳолатига қандай бажарилганлиги аудит текшируви давомида урганиб чиқилганда қуйидагилар аниқланди.


Аудиторлик текшируви давомида маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилинган барча турдаги моддий товар бойликларнинг қирим қилиниши, бошланғич бухгалтерия ҳужжатлари асосида тулик таҳлил этилди. Аудит таҳлил натижасида шу нарса аниқландики, 2025 йил 31- декабрь ҳолатига жамият раҳбарияти мамлакат ички ишлаб чиқарувчилардан 166 542,0 минг сумлик товар моддий бойликлар ва 6 946 220.2 минг сумлик хизмат турлари сотиб олган. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан ва хизмат қўрсатувчи ташкилотлардан жами 7 112 762 минг сумлик товарлар ва хизмат турлари шартномалар асосида харид қилинган..

Бу ҳолатни қуйидаги жаҳвалда қўриш мумкин.

1. Биржа савдолари орқали харид - 0
2. Тўғридан- тўғри шартномалар асосида қўнўнчилиқда рўхсат берилган хизматлар тури:

Табиий газ	153 380,4 минг сум
Ичимлик суви	648 269.8 минг сум
Электр энергия	6 144 570,0 минг сум
Жами хизматлар	6 946 220.2 минг сум
3. Тўғридан- тўғри шартномалар асосида қўнўнчилиқда рўхсат берилмаган товарлар тури:

Витамин	42 735.7 минг сум
Эҳтиёт қисмлар	118 804.0 минг сум
Бошқа товарлар	5 002.0 минг сум
Жами	166 542,0 минг сум
Ҳаммаси	7 112 762.0 минг сум



“Давлат Харидлари” тугрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9- боб, 71- моддасида Тугридан- тугри шартномалар бўйича давлат харидлари ягона етказиб берувчилар реестрига киритилган, ягона етказиб берувчилар билан давлат харидларини амалга оширишга рухсат этилган. Жамият ички товар етказиб берувчилардан “Давлат Харидлари” тугрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9- боб, 71- моддаси асосида 7 112 762,0 **минг сўмлик** юқорида турлари келтирилган хизматлар ва товарлар харид килинган.

Юқорида келтирилган ушбу маълумотлардан қуриниб турибдики, жамият томонидан қонунчиликда рухсат берилмаган 166 542,0 **минг сўм** товарларни тугридан- тугри тузилган шартномалар асосида сотиб олган. Қонунчиликда рухсат берилмаган лекин шартномалар асосида сотиб олинган товарлар қиймати, умумий сотиб олинган товарлар қийматининг 2,3% ни ташкил этган. Жамиятда 2025 йил давомида “Давлат Харидлари” тугрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари **97,7%** га бажарилган ва шаффофлик даражаси ҳам **97.7 %** ни ташкил этган.

ЯКУНИЙ ХУЛОСА.

Аудиторлик текшируви давомида аниқландики, корхонада ташқи харидлар амалга оширилмаган, экспорт ва импорт операциялари мавжуд эмас ва кооперация доирасида маҳаллий хизмат курсатувчилардан ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан сотиб олинган давлат харидлари бўйича шаффофлик **97,7% таъминланган.**

МХХС BUSSINES GARANT A UDIT”

Аудиторлик ташкилоти раҳбари:-

АУДИТОР:



А. УЗАКОВ

А. УЗАКОВ